

1. Халол нарсаларнинг аслидадир.
2. Халол ва харом килиш хакки ёлгиз Аллохга оиддир.
3. Халолни харом ёхуд харомни халол килишлик Аллохга ширк келтириш билан тенг.
4. Харом килинган хар бир нарса унинг заарали бўлганлигидандир.
5. Халолда харомдан сакланишга етарли барча нарса мавжуд.
6. Харомга олиб борувчи хар бир нарса харомдир.
7. Харомни халол килишлик учун хийла килиш харом хисобланади.
8. Яхши ният харомни халол килмайди.
9. Шубҳали бўлган хар бир ишдан сакланмок лозим.
10. Харом хар бир киши учун харомдир.
11. Заруратлар хазарли ишларни мубоҳ килур.

## ЖОХИЛИЯТ ДАВРИДА ХАЛОЛ ВА ХАРОМ

Жохилият давридаги халол ва харом тушунчаси хакида шуни айтиш мумкинки, зулм ва зулмат хоким бўлган у даврларда инсонлар харом ва ифлос нарсаларни халол деб билганлар ва аксинча, халол ва покиза неъматларни ўзларига харом килиб олганлар. Илло бу хусусда хар кандай меъёр ва чегарани оёқ ости килиб тубанлик ва гумрохлик боткогига ботганлар Бу борада бутпарат, ахли китоб ва бошка баъзи миллатларнинг холатлари бир хилдир.

Бу холат икки кўринишда юзага чикмокда. Яъни, халол ва харомга нисбатан бундай гумрохона муносабатда бўлганлар икки тоифага бўлинади. Биз шартли равища меъзоннинг ўнг ва сўл канотига ажратган холда уларнинг холатларини баён киламиз:  
**Ўнг канотдагилар:** булар вужудни азоб ичидаги колдириш, халол ризкларни харом килиб олиши ва Аллох таоло бандалари учун яратиб куйган зийнат ва гўзалликларни хуш кўрмаслик каби баъзи ифлос тамалларга асосланган Хиндистон Брахманизми ва дунёдан юз ўгирган насронийликнинг ботил йўлини тутган гумрох мазхаблардир.  
Жумладан, Ўрта асрларда бидъат ва хуроффотлар коронгулиги бутун насроний оламини коплаб олган эди. Насронийликнинг рохиблар табакаси бу коронгуликнинг манбаи хисобланарди. Рохиблар Аллох таоло инсонларнинг яхшилиги учун яратган барча пок ва халол неъматлардан воз кечиб, бу хасонотларни ўзларига харом килиб олганлар. Шу даражага етганларки, хатто оёқ ювишни гунох, хаммомга киришни маъсият, рухга озор берувчи бир иш деб билганлар.

**Сўл канотдагилар:** Эронда вужудга келган чегарасиз бир халол фалсафасини олга суриб, инсонларга хамма нарсани - хатто номус, иффат, шараф ва мукаддас нарсаларни мубоҳ килган ва инсонларнинг бу кадриятларни истаганча паймол килишлари мумкинлигини иддао этган "Маздак" ва шу каби мазхаб ва тарикатлардир.

Жохилият давридаги арабларга келсак, уларнинг халол ва харом хусусидаги мезонлари акл ва мантикка эмас, балки хавоий нафсга асосланган эди, яъни улар нафс ва хирсларига мос келган хар кандай ишни килардилар: ичкилик ичиш, устама фоиз олиш, аёлларга зулм ва тажовуз кийлиш ва шу каби холатларни ўзларига мубоҳ ва халол деб билганлар. Бундан хам ёмонроги жин ва шайтонларга эргашиб, ўз болаларини

тириклайн кўмар, исканжа билан ўлдирап эдилар. Аллох таоло бу хусусда Куръони Каримда шундай хабар беради:

**"Шунингдек, шайтонлари мушрикларни калок этиш ва динларни чалкаштириб юбориш учун улардан кўпларига ўз болаларини ўлдиришни (яъни, ўз бутлари учун курбон килишни) чиройли кўрсатиб кўйди. Агар Аллок хохлаганида бу ишни килмаган бўлур эди. Бас, уларни тухмат бўхтонлари билан тарк килинг! "** (Анъом сураси -137).

Ушбу оятдан очик-ойдин маълум бўлишича, улар калбларидағи оталик шафкатини чикариб ташлаганлар ва шу тарика Аллох таолонинг амрига карши келганлар.

Мушрикларнинг жин ва шайтонлардан бўлган йўлбошчилари жохил кимсаларга ўз фарзандларини ўлдиришликини чиройли килиб кўрсатиб, бу йўл билан гўё уларни келадиган балои казолардан омон колишларини "таъминлаганлар". Яъни, у йўлбошчилар бу фикрни жохил мушрик ва бутпастларнинг калбига жойлаганлар. Бу фикр куйидагилардан иборат:

1. Болаларни ўлдириш, келган ва келиш эҳтимоли бўлган баъзи фалокатларни ва фаркликини кайтаради...
2. Агар фарзанд киз тугилса, келгусида отасининг номусига ёмон дод тушиш мумкин...
3. Болаларни курбон килиш билан илохларга янада яқинлашади...

Карангки, ўз фарзандларини сўйиб ёхуд тириклайн тупрокка кўмиб курбонлик килишни халол билган бу маҳлуклар, аксинча, халол бўлган неъматларни ўзларига харомлаштириб олганлар. Бу хам етмаганидек ботил фикрларини диннинг бир хукми сифатида кабул этиб, уларни Аллохга нисбатан берар эдилар. Аллох таоло уларнинг бундай ёлгон ва бўхтонларини куйидагича рад килади: **"Улар ўзларича: "Мана бу хайвон ва экинлар харом, уларни факат биз хохлаган кишиларгина (яъни, бутхона хизматчилари ва эр кишиларгина) ейдилар. Бу кайвонларни эса миниш харом килинган", дедилар. Улар хайвонларни (сўйишда) Аллохнинг номини зикр килмайдилар, (балки бутларнинг номини айтадилар ва мана шу килмишларини Аллох амри деб) У зотга тухмат киладилар. Якинда бу тухматлари сабабли уларга Ўзи жазо беражак**", (Анъом сураси-138)

Куръони Карим халол бўлган нарсаларни харом ва харом нарсаларни халол деб билган бундай гумрохларнинг холатини бизга баён этади: **"Ўз болаларини аклсизлик килиб жохиллик билан ўлдирган ва Аллохга тухмат килиб Аллок берган ризкни харом килиб олган кимсалар мухаккакки, (ўзларига) зиён килдилар. Улар аник адашдилар ва Тўгри Йўлга югурувчи бўлмадилар**". (Анъом сураси-140).

Ислом келишининг илк кунлариданок бу гумрохликни ва дастлаб бу холатни ислоҳ килиш учун ўзининг халол ва харомга асосланган асосларини ўртага кўйгандир. Халол ва харом хусусида адолат ва тенгликни мезон килиб, инсонларни пок ва халол нарсаларга

буюрди, нопоклик ва харомлардан кайтарди. Бу амр ва нахийлардан йўлга чиккан ва шаклланган Ислом уммати шу тариқа ўнг ва сўлканотдаги гумроҳлар орасида буюк бир коя каби кад кўтариб Аллоҳ таолонинг "Инсонлар учун чикарилган энг хайрли уммат" деган васфига сазовор бўлди ва энг тўгри йўл бўлган ўрта йўлни танлади.

## ХАЛОЛ НАРСАЛАРНИНГ АСЛИДАДИР

Бу хусусдаги исломий хукм шу: Аллоҳ таоло яратган барча нарсаларда асл (яъни, асос мохият), уларнинг халол ва мубоҳ бўлишини белгилайди. Бевосита Аллоҳ таоло харом эканлигини очик далиллар билан билдирган нарсалардан бошка хеч кандай ашёда харом хукми йўқ.

Ислом уламолари хар нарсанинг аслда халол ва мубоҳ бўлишига Куръони Каримнинг очик оятларини далил келтирганлар: "**У шундай зотки, сиз учун Ердаги барча нарсни яратди. Сўнгра самога юзландида, уларни етти осмон килиб тиклади. У хамма нарсани билгувчидир**" . (Бакара сураси - 29).

**"У Ўз томонидан (яъни, Ўз хохиш-иродаси билан) сизларга осмонлардаги ва ердаги барча нарсаларни бўйинсундирди. Албатта, бунда тафаккур киладиган кавм учун оят ибратлар бордир "**. (Жосия сураси-13).

**"(Эй инсонлар), Аллоҳ осмонлар ва ердаги барча нарсаларни сизларга бўйинсундириб кўйганини ва сизларга барча зохирий ва ботиний (яъни, моддий-маънавий) неъматларини комил килиб берганини кўрмадингларми? Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзлари билмаган, хидоят топмаган ва ёркин китоб-хужжатга эга бўлмаган холларида Аллоҳ хусусида мужодала килурлар "**. (Лукмон сураси-20).

Аллоҳ таоло, инсонга кўпгина фойдалар таъмин этган нарсаларни унинг учун яратгандан сўнг яна уларни харом килиб инсонни маҳрумиятда асло колдирмайди. Аллоҳ таоло бу нарсадан пок ва муназзахдир.

Бир бутун холида бўлган бу неъматларнинг факат баъзиларини харом килганки, (бунинг сабаб ва хикматлари хусусида куйирокда сўз юритамиз, иншааллох).

Агар Ислом шариатида халол доираси канчалик кенг тутилган бўлса, бунинг аксига, харом доираси шунчалик торайтирилгандир. Шуни хам айтиш керакки, хар кандай нарсанинг харомлигини бизга билдирган хукмлар жуда оз бўлиб, мубоҳ ёхуд харом эканлиги хакида очик бир далили бўлмаган хар нарса (мубоҳ саналган аслига кўра) илохий лутф доирасида халол хисобланади.

Бу хусусда хадиси шарифда дейиладики: "**Аллоҳ таоло Куръонда халол килган халолдир, харом (деб эълон) килинган (хеч шубхасиз) харомдир. Халол ёхуд харомлиги билдирилмаган нарсалар эса (Аллоҳнинг) лутфи доирасидадир. Бу лутф доирасини Аллоҳ таолодан кабул этинг. Зоро, У хеч нарсани унутмас**". Хазрат пайгамбар саллаллоҳу алайхи вассалом мазкур хадисдан кейин шу оятни ўқидилар: "**Роббинг хеч нарсани унутгувчи эмасдир**".

(Марям сураси-64).

Салмон Форсий дейидики: "Бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалом ёг, пишлок

ва ёввойи хайвоннинг хукми хакида сўралган саволга шундай жавоб бердилар: "Халол Аллох таоло Куръонда халол килган нарсадир. Харом эса, Аллох таоло Куръонда харом деб билдирган нарсадир. Хусусида хеч кандай хукм билдиримаган нарсаларда эса сизга лутф кўрсатган, балки хусусда сизни мукаллаф тутмайди". (Ибн Можа, Термизий).

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалом бунга ўхшаш холатлар хакида кескин ва катъий бир жавоб айтишни истамаганлар, савол берганларни эса факат Куръонни ўрганишга, амал килишга чакирганлар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалом марҳамат киладилар: "Аллох таоло бир канча нарсаларни фарз килган: асло уларни йўқотманг. Баъзи чегараларни чизганки, улардан асло ўтиб кетманг. Баъзи харомларни кўйган асло уларга яқинлашманг. Бир канча нарсалар хакида эса сукут килган (яъни, хеч кандай хукм билдиримаган): бу унинг унутганидан эмас, балки сизга марҳамат кўрсатганидандир. Уларни хам асло тахлил ва тадқик этманг". (Дорулкуний).

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмокчиманки, аслида халол хукми факат маълум бир нарсалар билан чегараланиб колмайди, аксинча, биз "урф-одатлар ва ижтимоий муносабатлар" деб атаган ва ибодатлардан ташкарида бўлмаган ишларни ва харакатларни хам ўз ичига олади. Аллох таоло таъкилаган ва харом килган нарсалардан ташкари яна буларнинг барчасида асл халол хисобланади. Чунки Аллох таоло Куръонда марҳамат этган:

"Аллохнинг номи зикр килинган нарсалардан нима учун емас экансизлар?! Ахир У сизларга харом килинган нарсаларни муфассал баён килган-ку. Магар музтар бўлиб колган холингиздагина (у нарсалардан ейишингиз мумкин). Шубҳасиз, кўп (кишилар) ўз хою хаваслари билмаган холларида (ўзларини) йўлдан оздирурлар. Албатта, Парвардигорингиз бундай тажовузкор кимсаларни жуда яхши билгувчиидир" (Анъом сураси - 119) ояти каримаси барча иш ва харакатларга бир хилда тааллуклидир.

Аммо ибодатлар бундай эмас. Чунки ибодатлар факатгина вахий йўли билан таблиг килинган соглом диний амаллардир. Бу хакда шундай хадис ривоят этилган:

"Динимизнинг аслида мавжуд бўлмаган бир нарсани ўртага чиқарган кишининг у иши кабул бўлмайди, рад килинади". (Бухорий, Муслим).

Шундай килиб, диннинг хакикати, асосан икки нарсадан иборат:

Биринчиси - Аллох таолодан бошкага ибодат этмаслик ва иккинчиси - Аллох таолога Унинг Ўзи буюрган ва машруъ килган тартибда ибодат этишлиқ. Кандай ва каерда бўлишидан катъий назар ўзича бир ибодат усули ўйлаб чиқариб, унга амал килган кишининг бу ибодати кабул бўлмайди ва бу нарса Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалом томонидан рад этилган. Чунки, Аллох таолога яқинликдан иборат бўлган ибодатларнинг амр килиниши ёлгиз Аллох таолонинг хаккидир.

Аммо урф-одат ва ижтимоий муносабатларнинг хукми Аллох таолога эмас, балки бевосита инсонларга тегишилдир. Факатгина Аллох таоло бу муносабатларни ислоҳ килиш тартибига ва заарасиз холатга келтириш учун амрлар берган ва баъзиларни эса, заарасиз бўлганлиги учун кабул килгандир.

Шайхул-Ислом Ибн Таймийя бу хусусда шундай дейди: "Инсонларнинг сўзлари ва харакатлари иккига бўлинади. Биринчиси - уларнинг динларини ислоҳ килган ибодатлар ва иккинчиси - улар дунёда мухтоҷ бўлган баъзи одатлар. Шаръий хукмларнинг асли бизга билдирадики, Аллох таоло амр килган ибодатлар факат ва факат илохий далилларга асосланади.

Урф ва одатлар эса инсонларнинг дунё ишларида мухтоҷликлардан келиб чиккан ва

одат холига келган холатлардир. Урф ва одатларда асл, уларнинг махзурли бўлмаганлигидандир (яъни, одатларнинг зарари бўлмайди ва хазар килинмайди). Ха, Аллох таоло таъкилаган баъзи одатлардан ташкари бўлган бутун одатлар заарсиз ва махзурсиздир. Чунки, амр ва нахий ёлгиз Аллох таолонинг иши ва ёлгиз Унинг хаккидир. Ибодат эса инсоннинг хар кандай эҳтиёжидан устун бўлган биринчи даражали эҳтиёжи хисобланади. Хакида амр катъий амр (ёхуд нахий) событ бўлмаган бир нарса кандай хам махзурли (ёхуд харом) бўлиши мумкин?

Шу боисдан хам Имом Ахмад ва бошка бир катор фикх уламолари дейдиларки: - Ибодатларда асл уларни ўз холича колдирмокликдир (яъни, Аллох таоло кандай буюрган бўлса, шундай ибодат килиши керак). Аллох таолонинг амридан ортиқчасини килмаслик лозим (яъни, бу хусусда ифрат, хаддан ошишлика берилиб, Аллох таоло буюрганидан ошириб ибодат киласман деб, ўзича бир тарзда ибодат килмоқлик ярамайди). Акс холда Аллох таолонинг: **"Балки улар (Макки мушриклари) учун (куфр ва ширк каби) Аллох буюрган кимсаларни - "дин"ни уларга шариат килиб берган шериклари — бутлари бордир?!"** (Шўро

сураси-21) ифодасидаги хукмга кирган бўламиз.

Урф ва одатлар аслида юкорида таъкидлаганимиздек Аллох таолонинг лутфи доирасидадир. Зоро, Аллох таоло харом килган нарсалардан бошкаси махзурли саналмайди. Агар хаддимиздан ошиб, буюрилмаган бир ишни килсак, Аллох таолонинг: **"Айтинг: "Хабар берингизчи (эй мушриклар), Аллох сизлар учун нозил килган ризку рўзнинг (айримларини) харом, (айримларини) халол килиб олдингиз"** (Юнус сураси-59).

Ана шу энг фойдали ва тўгри коида хисобланади. Шундай экан, айта оламизки, Ислом инсонларнинг озик-овкат, кийим-кечак каби эҳтиёжлари, савдо-сотик, хиба, ижара ва шунга ўхшаш одат ва урфлари хусусида баъзи одоб ва ахлок коидаларини жорий этиб, зарарли бузук деб билинган нарсаларни харом килган, мутлок фойдали нарсаларга амр берган, фойдасиз нарсаларни эса хуш кўрмагандир.

Агар инсонлар бир кисми мустахаб, бир кисми макрух бўлса хам шаръян харом килинмаган нарсалардан еб-ича олганлари каби, истаганлари тарзда тижорат, ижара, кира муносабатларига киришлари мумкин. (Батафсил маълумот олишингиз учун Ибн Таймийанинг "Ал-Кавоидун-Нураннийя" асарида мурожаат килингиз мумкин).

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят килинган куйидаги хадис ашё-нарсаларнинг "асл"и хакидаги энг очик далил бўла олади. Дейдики: "Куръон нозил килинган бўлса хам биз азл килардик. Агар азл килишда таъкиланиши керак бўлган бир нарса бўлса эди, Куръон таъкиларди". (Азл килиш - хомила бўлишининг олдини олиш учун жинсий муносабат пайтида эркак кишининг маъний-нутфани ташкарига оқизиши.)

Мазкур ривоят шу нарсага далолат киладики, хусусида вахий нозил бўлмаган бир холат махзурли саналмайди. Сахобалар хам нахий ва таъкик хусусида бир амр нозил бўлганга кадар у ишни халол нияти билан килаверар эдилар. Бу эса сахобаларнинг юксак ахлок ва тушунчаларидан далолат беради.

Шу тарика куйидаги муҳим бир коида ўртага чиккан бўлади: Ибодатлар факат Аллох таолонинг амри билан машърудир. Одатлар эса, ёлгиз Аллох таоло харом килиши билан харом саналади!

## ХАЛОЛ ВА ХАРОМ КИЛИШ ХАККИ ЁЛГИЗ АЛЛОХ ТАОЛОГА ОИДДИР

Иккинчи асос шундан иборат: "Ислом халол ва харом килиш хукукини чегаралаб, халк назарида ва Аллох таолонинг хузурида даражалари кандай бўлишилигидан катъий назар бу хукукни инсонларга бермаган, балки, уни ёлгиз Аллох таолонинг хакки сифатила кабул килингандир..."

Бу нарса хусусида харом хукмини чикиришга инсонлардан хеч кимнинг хакки йўқ на шоху сultonларнинг, на яхудийларнинг ва на-да насроний попларнинг.

Бир нарсани харом килишга хукм берган кимса, Аллох таолонинг хаккини ихмол килган ва ёлгиз Унга оид бўлган бу хукмда хаддидан ошган хисобланади. Бундайларнинг чикарган хукмларини кабул килиб, шунга кўра иш тутганлар эса уларни Аллох таолога шерик килган ва окибатда кофир бўлган саналадилар.

**"Балки улар (Макка мушриклари) учун (куфр ва ширк каби) Аллох буюрмаган кимсаларми - "дин"ни уларга шариат килиб берган шериклари - бутлари бордир?!..."** (Шўро сураси-21).

Куръони Карим хам халол ва харом хукмини хахам ва попларнинг кўлига топширган ахли китоб (яхудийлар ва насоролар) хакида бизга хабар беради.

Аллох таоло бу хусусда шундай марҳамат килади: "**Улар Аллохни кўниб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини хамда Масих бинни Марямни Парвардигор деб билдилар. Холбуки, факат ягона Аллохга бандалик килишга маъмур (буюрилган) эдилар. Хеч илоҳ йўқ, факат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир**". (Тавба сураси-31).

Бир куни Адий ибн Хотим (у Исломдан аввал насроний эди) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи вассаломнинг хузурига келиб, у кишидан мазкур оятни эшитганида айтдики: "Эй Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалом, улар - насронийлар ва яхудийлар хахам ва попларга ибодат килмайдилар-ку, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалом унга шундай жавоб киладилар: "Ха, улар халолни харом, харомни эса халол килиб олдилар.

Насронийлар хам уларга эргашдилар. Ана шу уларнинг бир-бирига ибодатларидир. (Имом Термизий)

Бошка бир ривоятда эса пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи вассалом мазкур оятнинг тафсирида шундай деганлар: "Улар гўё бир-бирларига ибодат этмаётгандек кўринардир. Аммо хахам ва поплар халолни харомни эса халол килганларида, улар буни кабул этар ва шунга кўра иш тутар эдилар".

Бугун хам насронийлар иддао киладиларки, гўё Ийсо (а.с) самога кўтарилаётган пайтда ўз талабларига халол ёки харом килиш ишини берган эмиш. Масалан, Матта Инжилининг 18-жумласида айтадики: "**Сизга хакикатни гапираман, Сиз ерга асосли деб билганингиз хар нарса мутлако самога боғликдир. Ерда халол килган хар нарсангиз самода хам халол килингандир**". (Бу холат насронийларнинг ўз динларини кай даражада бузганликларини кўрсатиб турибди).

Куръони Карим, шунингдек, Аллох таолонинг изни бўлмай туриб, ўз хавои нафсларига кўра халол ва харом хусусида ўзларича хукм чикарган мушриклар хакида хам хабар келтиради: "**Айтинг: "Хабар берингизчи (эй мушриклар), Аллох сизлар учун нозил килган ризку рўзнинг (айримларини) харом, (айримларини) халол килиб олдингиз".** (Юнус сураси-59).

"Аллох шаънига ёлгон тўкиш учун (яъни, Аллох буюрмаган хукмларни Аллохники дейиш учун) тилларингизга келган ёлгонни гапириб: "Бу халол, бу харом", деяверманглар! Чунки Аллох шаънига ёлгон тўкийдиган кимсалар хеч нажот топмаслар". (Нахл сураси-116). Мазкур ояти карима ва хадиси шарифлардан Ислом хукукчилари шундай хулоса килганларки, халол ва харом килиш хакки ёлгиз Аллох таолога оидdir. Бу борада факихларнинг вазифаси эса факат кишиларни халол ва харом хусусида таблиг килишдан иборат.

"Аллохнинг номи зикр килинган нарсалардан нима учун емас экансизлар?! Ахир У сизларга харом килинган нарсаларни муфассал баён килган-ку. Магар музтар бўлиб колган холингиздагина (у нарсалардан ейишингиз мумкин). Шубҳасиз, кўп (кишилар) ўз хою хаваслари билан билмаган холларида (ўзларини) йўлдан оздирурлар. Албатта, Парвардигорингиз бундай тажовузкор кимсаларни жуда яхши билгувчиidir". (Анъом сураси-119).

Уларнинг иши диний хукмлар келтириш эмас. Улар (мужтахид ва имомлик сифатига эга бўлсалар-да) фатво беришдан тийиладилар халол ва харом хусусида хатога йўл кўймаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан иш тутадилар.

Имом Шофийй хазратлари "Ал-Умм" номли китобларида хазрати Абу Ханифанинг талабаси, дўсти кози Абу Юсуфдан ривоят киладиларки: "Илм ахлидан бўлган устозларимни кўрдимки, улар фатво беришни ёқтирмас эдилар. Улар тафсирсиз холда Курони Каримдан очик бир далилга суюнмасдан бу халол, бу харом дейишдан тийилар эдилар".

Ибн ас-Соиб тобеинларнинг энг машхурларидан саналган Роббий ибн Хайсамнинг шундай деганини ривоят килади: "Аллох таоло шуни халол килган, бунга рухсат берган" кабилида фатво беришдан сакланинг. Зоро, бундай фатво берган кишига Аллох таоло: "Мен буни халол килмадим ва бунга рухсат бермадим, дейди. Ёхуд бир киши "Аллох буни харом килган" деган бир пайтда Аллох таоло дейдики: "Ёлгон айтдингиз. Мен буни харом килмадим ва нахий этмадим". Дўстларимизнинг баъзиларининг тушунчаларича Куфадаги тобеинларнинг буюкларидан саналган Иброҳим Наҳойи халол ва харом хусусидаги саволларга: "Бу макрухдир, бу зааралидир" кабилида жавоб берганлар. Бу халол, бу харом дея хукм чикаришни гоятда масъулиятли бир нарса деб билганлар. ("Ал-Умм" асари, 7-ж. 317-с.).

Шунингдек, Ибн Мафлих ривоят киладики, шайхул-Ислом Ибн Таймийя шундай дейди: Салаф харом эканлиги аник далиллар билан маълум бўлмаган бир нарсага харом тамгасини урмас эдилар. Имом Ахмад ибн Ханбал эса ўзидан сўралган масалаларда "нафратланаман, ёқтирмайман, севмайман, хуш кўрмайман" кабилида жавоб берар эди. Бунга ўхшаш Имом Молик, Имом Абу Ханифа ва имомлардан кўплаб ривоятлар мавжуд.

## **ХАЛОЛНИ ХАРОМ ЁХУД ХАРОМНИ ХАЛОЛ КИЛИШЛИК АЛЛОХГА ШИРК КЕЛТИРИШ БИЛАН ТЕНГДИР**

Ислом халол ва харом хукмини берганларни танкид килар экан, бу ишда бир далилга таянмай туриб, Аллох таоло кенг килиб кўйган доирада сунъий равишда инсонларга

торайтиришга харакат килганларни каттик коралайди. Хазрат Пайгамбар бу мутаассиб гумрохликка карши турли йўллар билан курашганлар, Аллоҳ таолонинг хукмларини ўзгартирганларнинг халок бўлишини билдирганлар: "Ўзгартирганлар халок бўлганлар". (Ахмад, Муслим, Абу Довуд).

Расулллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалом ўз йўлларини шу хадис билан маълум килганлар: "Мен факат мусамахакор ханифийлик дини бўлган Ислом билан юборилдим". (Ахмад).

У иймон ва тавхидда ханифдир, иш тутиш ва хукм келтириш жихатидан мусомахакордир. Бу икки нарсанинг зидди ширк ва халолни харом килишdirки, бу хусусда Расулллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалом Аллоҳ таолодан шу хадиси кудсийни ривоят килганлар: "Мен кулларимни ханиф килиб яратдим. Шайтонлар келиб уларни ўз динларидан узоклаштиридилар. Халол килганим нарсаларни харом килдилар ва хеч кандай куч ва куввати бўлмаган нарсаларни менга шерик келтиришларини амр килдилар..." (Муслим).

Хакикатан халолни харомлаштириш ширк келтириш билан бирдир. Шу боисдан хам Куръони Карим мушрик арабларни бу ширклари, бутпарастликлари ва халол бўлган неъматларни Аллоҳ таолонинг изни бўлмай туриб харом килиб олганлари учун каттик коралайди. Мисол: уларнинг бундай килмишларидан бири бохийра, соиба, васийла ва хомийни харомлаштиришларидир. Улар жохилияят даврида бир тую беш марта болаласа ва охиргиси эркак бўлса, у туюнинг кулокларини кесиб унга минишликни, сўйишликни ва устига юқ ортишликни харом килиб, уни илохлари учун кўйиб юборар эдилар. Ва у туюни "бохийра", яъни "кулоги кесилган" деб атардилар.

Агар бир хайвон ургочи болаласа, у ўзларига оид бўларди. Эркак тугса, илохларига оид эди. Хам эркак хам ургочи болаласа, эркакни илохлари учун кўйиб юборардилар. Уни васийла деб атардилар. Бир эркак хайвон боласининг боласи билан урчиса, унга "ўз пуштини асрари" деб, шундан кейин у хайвонни кўйиб юборишар ва унга на минишар на юқ ортишар эди. Уни хомий деб атардилар. Бу тўрт нарса хакида шунга ўхшаш кўплаб тафсиirlар хам мавжуд. Куръони Карим мушрикларининг бу каби одатларини рад этади ва бизга шундай хабар беради: "Аллоҳ на "бахийра", на "соиба", на "васийла" ва на "хомий" килишга (буюргани) йўқ. Лекин кофир кимсалар Аллоҳ шаънига ёлгон тўкимоқдалар. Уларнинг кўплари аклсизлардир. Качон уларга: "Аллоҳ нозил килган нарсага ва пайгамбарга келинглар", дейилса, улар: "Биз учун ота-боболаримизни ниманинг (яъни, кайси диннинг) устида топган бўлсак, ўша етарли", дейишади. Агар ота боболари хеч нарсани билмайдиган ва хак йўлни топа олмайдиган бўлмаса хам-а?!" (Моида сураси-103-104).

Анъом сурасида эса майда туёкли хайвонлар, сигар, тую каби бази хайвонларнинг харом эканлиги хакидаги асоссиз иддаолар бир тарзда изоҳ этилади. Куръони Карим бу мунокашани жуда таъсирли бир услуб билан баён килади.

**"Саккиз жуфтни (яратди). кўйдан иккени (яъни, эркак ва ургочини), эчкидан иккени (яратди). Ўзларича харом килиб оловчи мушрикларга айтинг: (Аллоҳ бу хайвонлардан) иккила эркагини харом килганми ё иккила ургочисиними, ёки иккила ургочининг бачадонларида бўлган хомиланими?! Агар ростгўй бўлсангизлар, бирон хужжат билан менга хабар беринглар-чи?!" Туядан иккени, кора молдан иккени (яратди). Айтинг: "Иккала эркагини харом килганми ё иккала ургочисиними, ёки иккала ургочининг коринларида бўлган хомиланими?... " (Анъом сураси - 143-144).**

Аъроф сурасида эса жаноби Аллоҳ, дархол хамма нарсаларга харом хукмини

чикарганларни танбех бериб мутлок харом бўлган нарсаларни ва буларнинг аслларини шундай очиклайди.

"Айтинг (эй Мухаммад): "Аллох бандалари учун чикарган безак (либосларни) ва халол-пок ризкларни ким харом килди?!" Айтинг: "Улар (яъни, безак ва халол ризклар) хаёти дунёда иймон эгалари учун (бўлиб, кофирларга хам уларга шерик бўлур), киёмат кунида эса факат (мўминларнинг) ўзларига хосдир". Биладиган кавм учун оятларни мана шундай муфассал килурмиз. Айтинг: "Парвардигорим факатгина ошкор ва яширин бузукликларни, (барча) гуноҳ ишларни, ноҳак зулм килишни ва Аллохга (шерик эканлигини) хеч кандай хужжат тушурмаган нарсаларни Унга шерик килиб олишингизни хамда Аллох шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни харом килган, холос (Аъроф сураси - 32-33).

Куръони Каримдаги мунокашали бутун бу хукмлар, асосан, макки сураларида бўлиб доимо имон, тавхид ва охират ишончини мустахкамлайди.

Мадина даврида мусулмонлар орасида жуда мутаассиблика берилиб, яхши халол нарсаларни ўз нафсига харом килиб олганлар бўлди.

Шу сабабдан Аллох таоло уларни илохий меъёрга келтира оладиган ва Ислом йўлига кайтарадиган оятлар нозил килди: **"Эй мўминлар, Аллох Сизлар учун халол килиб кўйган покиза нарсаларни харом деманглар ва (Аллох белгилаган чегарадан) тажовуз килманглар! Албатта, Аллох тажовузкор кимсаларни севмас. Аллох сизларга ризк килиб берган халол, пок нарсалардан енглар ва ўзларингиз имон келтирган Аллоҳдан кўркинглар!"** (Моида сураси - 87-88).

## ХАРОМ КИЛИНГАН ХАР БИР НАРСА УНИНГ ЗАРАРЛИ БЎЛГАНЛИГИДАНДИР

Инсонларни яратган ва уларга хисобсиз неъматлар баҳш этган Аллох таоло инсонлар учун истаганини халол ва истаганини харом килиши Унинг гоят табиий ва асл хаккидир. Яъни, бандаларининг хеч бир эътиroz ва исёнга хаклари бўлмай, уларга истанидек амр этиши ва истаган таклифларини уларга юклаши хам ягона Холик бўлган зотнинг хаккидир. Ха, хеч шубҳасиз, инсонларнинг Аллох таолога карши хеч бир эътиroz ва исёнга хаклари йўқ. Бу хак уларнинг Роббилари бўлган Аллох таолонинг хаккидир. Уларнинг бу хак каршисида сукут килишлари Унга килинган ибодатларнинг шартидир. Факат Аллох таоло бевосиста бандаларининг манфаатларини хисобга олган холда баъзи маъкул сабабларга кўра халол ва харом хукмларини очик ўртаган кўйиш билан уларга лутф ва марҳамат кўрсатгандир. Аллох таоло яхши ва гўзал бўлгандан бошка хеч нарсани халол, ёмон ва заарали бўлганидан ташкари хеч нарсани харом килган эмас. Аллох таоло бундай килиш номусидан пок ва устун бўлган зотдир.

Аллох таолонинг яхши бўлган баъзи нарсаларни яхудийларга харом килганлиги тўғридир. Бу яхудийларнинг хадларидан ошишлари ва Аллох таоло муқаддас билган бир канча нарсаларни хакир кўришлари окибатида уларга берилган бир жазо эди. Зоро бу хакда аллох таоло шундай дейди: "Яхудий бўлган кимсаларга барча туёклиларни харом килдик. Мол-кўйдан улар учун ёгларни харом килдик. Магар бикинларидаги ё

ичларидаги, ёки сүякка аралашган ёгларгина (харом эмасдир). Золимликлари сабабли уларни шундай жазоладик. Албатта, Биз рост сўзлагувчимиз". (Анъом сураси-146).

Аллоҳ таоло уларнинг бу ҳаддан ошиш харакатларини бошка бир оятда шундай баён килади: "Яхудий бўлган кимсаларнинг золимликлари ва кўп кишиларни Аллоҳ йўлидан тўсганлари сабабли, яна манъ этилган бўлсаларда, судхўрлик килганлари ва одамларнинг молларини ноҳак, еганлари сабабли уларга олдин халол килинган нарсаларни харом килиб кўйдик". (Нисо сураси- 160-161).

Аллоҳ таоло пайгамбарларнинг сўнгисини абадий ва умумий диний бир рисолат билан юборар экан, бир замонлар адашганлардан бўлган бир кавмга уларни тўгри йўлга солиш учун вактинчалик харом хукми берилган баъзи нарсаларни комил бир жамият учун халол килишлик билан илохий марҳаматини кўрсатмишdir. Ахли китобга маълум бўлгани каби бу Инжил, Таврот ва Куръони Карим тили билан ҳазрат пайгамбар саллаллоҳу алайхи вассалом рисолатининг асосини ташкил этади: "**Улар шундай кишилардирки, уммий (саводсиз) пайгамбарга - номини ўз олдиларидағи Таврот ва Инжилда ёзилган холда топишадиган элчимиэга эргашадилар. У пайгамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан кайтаради ва пок нарсаларни улар учун халол килиб, нопок нарсаларни уларга харом килади ҳамда улардан юкларини ва устиларидағи кишанларини олиб ташлайди**" . (Аъроф сураси-157).

Ислом хар кандай бир хатонинг каффорати учун баъзи яхши нарсаларни харом килишликдан кўра кўпроқ бир канча чикиш йўлларини кўрсатгандир. Масалан, сув кирни тозалагани каби тавбай насухонинг гунохни поклаши, сув ўт-оловни сўндиргани каби гунохнинг сўндирувчиси садакадир. Киш кунида куриган япрокларнинг тўкилиши каби гунохларни тўккан мусибатлар, меҳнатлар, кийинчиликлар...

Бу тарика очикча маълум бўладики, Исломда харом хукми ашёнинг ёмон ва заарли бўлишига кўра чиқарилар экан. Яъни, бир нарса ёмон ва заарли бўлса, у зарари ва ёмонлиги учун ҳам харомдир, фойдаси кўп бўлган нарса эса халолдир. Куръони Каримнинг ичкилик ва кимор хусусидаги хукми ҳам шунга кўрадир: "**Сиздан арок (ичкилик) ва кимор ҳакида сўрайдилар. Айтинг: "Буларга катта гунох ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гунохи ва фойдасидан каттароқдир"**". (Бакара сураси-219).

Ха, яна очикча маълум бўладики, Исломда халол бўлган нарса яхши ва фойдали нарсадир. Яъни, соглом акпли инсонларнинг яхши, фойдали ва гўзал дея билгани хар нарса халолдир. Чунки Аллоҳ таоло марҳамат киладики: "(Эй Мухаммад, мўминлар) Сиздан ўзлари учун нималар халол килганини сўрайдилар. Айтинг: "Сизлар учун барча покиза нарсалар... халол килинди

". (Моида сураси-4).

Навбатдаги оятда эса бу хусусда дейилади: "**Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар халол килинди**" (Моида сураси-5).

Аллоҳ таоло фол ҳакида харом хукмини чиқарган. Бу хукмнинг фолнинг ёмон ва заарли эканлигига таяниб берилганлиги хусусида мусулмон киши чукур бир билимга эга бўлишилиги унчалик шарт эмас. Чунки бир мусулмон томонидан очик билинган бир нарса, бошка бир мусулмон учун ноаник бўлиб колиши мумкин. Нарсанинг ёмонлиги кўринган такдирда ундан кейинги асрда ўша нарса яхшига айланаб колмайди. Шунинг учун ноаник бўлиб колиши мумкин. Шубҳасиз, бир асрда бир нарсанинг ёмонлиги кўрилган такдирда

ундан кейинги асрда ўша нарса яхшига айланиб колмайди. Шунинг учун хам мусулмонлар бундай холларда доимо "эшит-дик ва итоат этдик" дейиши зарур.

Биз биламизки, Аллоҳ таоло тўнгиз гўштини харом килганида мусулмонлар бир ёмонлик ва заарни эътиборга олиб берилганлигидан бошка бир сабаб кўрмас эдилар. Вакт ўтиши билан илм ва фан тўнгиз гўштида трисхин ва захарловчи бошка микроблар борлигини кашф этди...

Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалом буюрадиларки: "Лаънат келтирадиган уч нарсадан тийилинг." (Яъни, инсонлар ва Аллоҳ таолонинг лаънатига сабаб бўладиган ишлардан тийилинг). Булар сув манбаларида, йўлларда ва сояда тахоратни бузиш каби ишлардир. (Равзатул-Мухибин" 10 сахифа).

Исломнинг илк даврида бу уч нарса умумий ахлок ва коидаларга зид бўлган ёмон ишлардан бошка хеч нарса эмас эди. Давр ўтиши ва илмий кашфларнинг такомиллашуви билан шу нарса маълум бўлдики, "лаънат келтирган уч нарса" умумий соглик коидалари учун энг хавфли нарсалардан бўлиб юкумли ва оғир касалликларни атрофга таркатган илк манбалар экан.

Шу тарика илмнинг ёруг нурлари хар ёнга сочилиб ва кашф доиралари кенгайиши билан Исломнинг халол ва харом хакидаги хукмлари ва шунга ўхшаш бутун хукмлардаги хусусиятлари ўртага чикиб боради. Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Зоро, бу бандаларни энг яхши билган уларга гоятда марҳаматли бўлган хикмат соҳибининг конунидир:

"Аллоҳ ким бузгунчи, ким ўнгловчи - ислоҳ килувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаккатга солган бўлар эди. Албатта, Аллоҳ кудрат ва хикмат эгасидир". (Бакара сураси-220).

## **ХАЛОЛДА ХАРОМДАН САКЛАНИШГА ЕТАРЛИ БАРЧА НАРСАЛАР БОРДИР**

Исломнинг устунликларидан бири: инсонларга хар турли кулайлик баҳш этишлигидир. Масалан, Ислом бир нарсани харом деб эълон килар экан, унинг ўрнини босадиган бошка бир нарсадан сўз юритади. Исломнинг бу хусусиятидан бир неча намуна келтирайлик:

Ислом фол чўпларини харом килган, бунинг ўрнига эса, истихора дуоларидан баҳс этгандир. ( Инсон бир ишни бошлишидан аввал олдида икки йўл турган бўлса, ўшандан бирининг хайрли бўлишига Аллоҳдан гилашига истихора дейилади. Бу иш учун маҳсус дуо ва намоз мавжуд.

Фоизни харом килар экан, тижоратни халол килган.

Киморни харом килган бўлса, унинг ўрнига от, тuya ва камон мусобакаси каби динда фойдали бўлган йўллар билан мол топишни халол килгандир.

Ипакли кийимни харом килган бўлса, жун, тери ва пахтадан тайёрланган хар турли кимматли кийимларни халол килган. Маст килувчи ичкиликларни харом, рух ва бадан учун фойдали ва лаззатли бошка бутун ичкиликларни халол килган. Емак хусусида хар кандай ёмон нарсани харом килган экан, бунинг ўрнига яхши ва пок бутун ёмакларни халол ўларок кабул этгандир...

Шу тарика Исломнинг бутун тамал асосларини бу шаклда кўздан кечирганимизда шундай хulosага келамиз: Аллох таоло бир хил нарсадан бошка бир майдонни кенгайтирмай туриб бошка хар кандай бир йўналишни бандалари учун торайтиргандир. Чунки У бандаларига хеч качон огирилик истамайди. Аксинча, енгиллик, хидоят ва рахмат истайди. Аллох таоло бу хусусда Куръони Каримда шундай дейди: "**Аллох сизларга шариат хукмларини баён килишни, сизларни илгари ўтган (хак йўлдаги) зотларнинг йўлларига хидоят килишни ва тавбаларингизни кабул килишни истайди. Аллох билим ва хикмат эгасидир. Аллох, тавбаларингизни кабул килишни истайди, хою кавасга берилган кимсалар эса (хак йўлдан) бутунлай огиб кетишингизни истайдилар. Аллох сизлардан (юкингизни) енгиллатишни истайди**". (Нисо сураси-26-28).

## **ХАРОМГА ОЛИБ БОРУВЧИ ХАР БИР НАРСА ХАРОМДИР**

Ислом билдирган хукмлардан бири шундайдир: бир нарса харом деб эълон килинар экан, унга олиб борадиган хар нарса харом хисобланади.

Масалан, зино харом килинган. Шунга кўра зинога олиб борадиган бутун фикр ва кўринишлар хам сўзсиз харомдир. Жохилият давридан колган ахлоксизлик, эркак ва хотинларнинг кабих манзаралари, очик расмлар, адабсиз ва фохиш мусикалар ва хакозолар сингари...

Ана шу хакикатлардан келиб чиккан холда фикх уламолари шу фикхий коидани событ килганлар: "Харомга олиб борадиган хар нарса харомдир". Алалхусус, харом ишлаб орттирилган гунох Исломга кўра факат у гунохни ишлаган кишига оид эмас, балки у харомни ишлаган кишига моддий ва маънавий жихатдан ёрдам берганлар хам гунохга шерик саналадилар. Бундай бир ишда хар кишининг гунохи у харомга катнашиш нисбатига кўра бўлади. Масалан: пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи вассалом иччилик ичганни, уни ишлаб чикарганни, ташиғанни, ўзи учун кўтариб юрганни, ундан келган маблагни еганни лаънатлаганлар.

Фоизда хам хукм бир хилдир: фоизни олган, берган, ёзган ва бу ишда катнашган киши бир хил даражада гунохкор ва лаънатланган саналади.

Шу тарика маълум бўладики, харомга олиб борадиган ва уни ишлашда ёрдам берган хар нарса харомдир. Харом бир ишда ёрдам килиш билан катнашган хар бир киши хам гунохга шерикдир.

## **ХАРОМНИ ХАЛОЛ КИЛИШЛИК УЧУН ХИЙЛА КИЛИШ ХАРОМДИР**

Ислом очикча харомга олиб борган хар воситани харом килгани каби шайтоний хийла ва яширин йўллар билан у харомни ишлаш учун хийла килишларни хам харом килгандир.

Билхисса, Ислом Аллоҳ таоло харом килган нарсаларни баъзи хийлалар билан халол санаган яхудийларнинг ахволидан бизга хабар берган: Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи вассалом хам бу хусусда шундай деганлар: "Аллоҳ таоло харом килган нарсаларни энг пасткаш хийлалар билан ўзларига халол килиб гунохга ботган яхудийларнинг ишини килиб асло гунохга ботмангиз". (Термизий). (Ибн Кайюм ал-Жавзий, "Иғосатул лехфон" асари, 1-жилд 384-саҳифа ).

Ўшанда Аллоҳ таоло Шанба (Сабт) кунида ов килишни харом килгани холда яхудийлар баъзи хийлалар килиб бу кунда ов килишни ўзларига халол килиб олган эдилар. Бунинг учун улар шанба куни овга чикмаган кўриниши учун жума кунлари хайвонларни тушириш учун хандак, тузок ва чукурлар казиб якшанба кунлари тушган ўлжаларни бориб олар эдилар. Бу эса хийлакорларга халол, Ислом конунларига кўра эса харомдир. Чунки бу харомдан максад хоҳ сабабли, хоҳ сабабсиз бўлсин ов килишдан тийилмокдир. Гунох саналган хийлалардан бири эса харом бўлган бир нарсани асл исмидан бошка бир исм кўйиш ва хакиқий сифатини саклаб колган холда факатгина шаклини ўзгартиришликдир. Масалан, фоизни олиш-бериш учун бир канча хийлали йўллар кўлланилса ва шаробни (халол кўрсатиш учун) бир туркум исмлар кўйилса хам фоизнинг ва шаробнинг асл гунохи давомий ва бокийдир. Хадиси шарифда айтилганки: "Умматимдан бир тоифа келадики, шаробга асл исмидан бошка исмлар кўяди ва уни халоллаштиради". (Ахмад). Раксга "санъат", шаробга "руҳ озукаси", фоизга "фойда" исмларининг берилиши давримизнинг энг гарип халолларидандир:

"Шундай бир замон келадики, инсонлар фоизни савдо-сотик исми билан атаб халол санайдилар". (Батафсил маълумот учун Ибн Кайюмнинг "Иғосатул лехфон" асарига мурожаат килинг).

## ЯХШИ НИЯТ ХАРОМНИ ХАЛОЛ КИЛМАЙДИ

Ислом бутун гўзал сифатларини, юксак гоя ва яхши ниятни бутун хукмларида кадрлайди. Хазрати Мустафо саллаллоҳу алайхи вассалом шундай марҳамат киладилар: "Ишлар ниятларга кўрадир. Кишига ёлгиз ният килгани нарса бордир". (Бухорий).

Яъни яхши ният мубоҳ бўлган ва одат холига келган нарсаларни Аллоҳ таолога итоат ва Аллоҳ таолога якинлик даражасига кўтариши мумкин. Масалан, хаётни саклаш, вужудини кувватлантириш ёки Робби, миллати олдидағи вазифаларини хакки билан адо этиш ниятида емак еган инсоннинг бу емаги ибодат ва Аллоҳ таолога якинлик даражасидадир.

Шунингдек, ўз нафсини ва ахлини харомдан тиймок ёхуд фарзанд кўрмок ниятида жуфти билан шахватини татмин этган инсоннинг бу холати хам мукофотга лойик марҳамат килганлар: "Сизнинг шаръий уйланиш харакатингиз садака саналади.

Дедиларки:

- Ё Расууллоҳ! Хар кайси бир мўмин шахватини кондирса, бунда хам ажр борми?

Расули Акрам ( с. а. в.) айтдиларки:

- У шахватини харомдан кондирса унга гунох ёзилмайдими? (Албатта, гунох ёзилади).

Шунга ўхшаш халол йўл билан кондирган такдирда ажр бордир". (Бухорий, Муслим).

"Тиланчиликдан кутулиш, оила аъзоларига инфок этиш ва кўшнисига ёрдам бериш учун дунё молини халол йўлдан истаган инсон юзи ой кадар порлок бўлгани холда Роббига ковушади". (Табароний).

Мўмин кишининг хар иши шундайдир: яхши ният унинг хар кандай яхши ишини ибодат даражасига юксалтиради. Харом эса бундай эмас. Харомни ишлаган кишининг нияти канчалик яхши, гояси накадар олий бўлмасин харом яна харомдир. Ислом хар кандай юксак гояга етишлик учун харомни восита ўларок кўллашни хеч бир суратда кабул килмайди. Чунки Ислом гоянинг ва кўлланган хар бир воситанинг шарафли ва пок бўлишига диккатни жалб килади. Шунинг учун хам Ислом дини "Ният хар турли воситани тузатишга кифоядир" ёхуд "Хакга эришмак учун хар турли ботил кўлланилиши мумкин" каби ботил хукмларни катъян рад этади. Зеро унга кўра Хакга факатгина Хак йўли билан борилади. Масалан: Бир масжид ва ё хар кандай бир хайр муассасаси бино этиш учун фоиздан, ўгриликдан, харом базмлардан, кимор ёхуд бошка бир хазарли ишдан мол тўплаш кишининг бу яхши нияти ва юксак гояси хеч качон бу харомнинг гунохини ўзидан кетказа олмайди. Чунки гоя ва тушунчалар Исломда хеч качон харомга таъсир килмайди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи вассаломнинг "Аллоҳ гўзалдир, гўзалдан бошкасини кабул этмас" хадиси шарифлари бизни шунга ўргатади.

"Аллоҳ таоло ўз пайгамбарларига амр этган нарсаларини мўминларга хам амр этгандир: "Эй пайгамбарлар, халол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар килинглар! Албатта, Мен килаётган амалларингизни билгувчидирман". (Мўминлар сураси-51)

"Эй мўминлар, сизларга ризқ килиб берганимизни - покиза нарсалардан енглар..." (Бакара сураси-172).

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи вассалом бу хусусда шундай дейдилар: "Бутун бир иштиёқ билан хаж ва умра учун йўл азобларини чекиб келган бир инсонни тасаввур килинг. Кўлларини самога узатиб "Ё Роббим! деб ёлворгани холда егани харом, ичгани харом, кийгани харом ва хар турли озиги харом бўлган кишини тасаввур килинг. Бундай бир одамнинг дуоси кандай кабул бўлсин?" (Муслим, Термизий).

Бошка бир хадисда шундай мархамат килинади: "Харомдан мол тўплаб садака килган инсон бу садакасидан хеч бир ажр козона олмас. Устига устак гунохи хам бўйнида бокий колар". (Ибн Хазм, Ибн Хиббон ва Хаким).

"Харом йўл билан топилган молини садака килган хар кулнинг бу садакаси кабул бўлмайди. Ундан бир кисмини инфок этиб, бошкасини колдирган бўлса колган кисмida хам ўзи учун хайр йўқдир. Хаммасини ўзида колдирса, ўзини кун ўтган сайин оташга якинлаштирган бўлади. Аллоҳ таоло ёмонни ёмон билан эмас, ёмонки яхши билан кетказар. Шунга ўхшаш бир ёмонлик бошка бир ёмонликни кетказмас". (Ахмад).

## **ХАРОМГА ЙЎЛ КЎЙМАСЛИК УЧУН ШУБХАЛИ БЎЛГАН ХАР НАРСАДАН ТИЙИЛМОК**

Аллоҳ таолонинг раҳмати чашмасидан бир томчи мохиятида бўлган бир холат эса У юксак зотнинг харом ва халол хусусида кулларини коронгиликда колдирмаслигидир. Гоятда мархаматли бўлган У зот халолни баён этиш билан харомни хам очик

билдиргандир:

"Ахир У (Аллоҳ) сизларга харом килинган нарсаларни муфассал баён килган-ку".  
'(Анъом сураси-119).

Халол эканлиги очик бўлган бир ишни килишда хеч бир монеъ ва шубха йўқдир.  
Шунингдек, харом эканлиги билдирилган бир ишни килиш учун хам хеч бир рухсат йўқ.  
Очик халол ва очик харом орасида бир чегара борки, у хам бўлса халол ва ё харом  
бўлгани кўпчилик томонидан билинмаган ёхуд кориштирилган мубхам деб атаганимиз  
чегарадир. Бу билинмаслик ёхуд кориштиришлик ё бу хусусдаги далилларнинг очик  
эмаслиги ёки бевосита бу далилларнинг воеъликда татбик этилишида шубха пайдо  
бўлиши билан изохланади.

Ислом мусулмонларнинг бу каби шубхали холатларга тушиб колишидан тийилишларини  
такво деб кабул килади. Мусулмон бу тарика очик бир харомга йўл кўйишиликдан ўзини  
саклаган бўлади. Бу эса бахс этаётганимиз "садди зар" - "заарлар чегараси"дан бир хил  
кўринишдир. Бу эса аслида инсон ва хаёт хакикатини билдирган, аммо кўпгина кишилар  
унчалик эътибор бермайдиган тарбия турларидан биридир.

Бу хукмнинг асли Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи вассаломнинг шу хадисларида ўз  
аксини топган: "Халол очикдир. Харом хам очик. Буларнинг орасида эса шубхали  
нарсалар бор. Инсонларнинг кўпчилиги буларнинг халол ёки харом эканлигини  
билмайдилар. Динини ва номусини асрарни ниятида буларни ким тарк этса саломатга  
эришган бўлади.

Хар кандай бир даражада бу шубхали ишларга кўл урганлар эса харомга йўл кўйиш  
хавф билан юзма-юз келадилар. Бу холат худди такиқлаган минтака якинида кўйларини  
ўтлатган кишининг хар вактда манъ этилган минтакага кириб колишлик хавфи билна  
юзма-юз бўлиши сингаридир. Хар хукмдорнинг бир такик чегараси бор. Аллоҳ таоло  
таъкик чегараси эса харомлардир". (Бухорий, Муслим)

## ХАРОМ ХАР БИР КИШИ УЧУН ХАРОМДИР

Ислом динига кўра харом тушунчasi хаммага бир хилда тегишли эканлиги билан  
белгиланади. Исломда араб бўлмаганга харом саналиб арабга халол бўлган хеч нарса  
йўқдир. Кора танлигига манъ килиниб ок танли учун рухсат берилган ва мубоҳ бўлган  
хеч бир холат мавжуд эмас. Кохин, поп, хахам ёки давлат одами каби маълум бир  
синфга мансуб кишиларга берилган алоҳида бир изм ё маҳсус бир хукук мутлако йўқ.  
Хатто кофирга харом бўлган нарсани мусулмонга халол килган хеч кандай амр ва  
хусусият хам йўқдир. Чунки Аллоҳ таоло мўмин бўлсин, кофир бўлсин хамманинг  
Парвардигори - Роббидир. Унинг хукмлари хар нарсадан устундир. Аллоҳ таоло бирор  
нарсани халол килган бўлса, у бутун инсонлар учун халол хисобланади, у харом килган  
нарсалар эса киёмат кунигача хамма-хамма учун бир хилда харом саналади. Масалан:  
Исломда ўгрилик катъиян харомдир. Бу ишни килган киши мусулмон бўлса хам, мусулмон  
бўлмаса хам, моли ўгирланган киши мусулмон ёки гайри дин бўлса хам булардан катъий  
назар хукм барча учун тенгдир. Яъни, харом хар кандай холатда хам харом саналади.  
Насли-насаби, келиб чикиши, ким бўлишидан катъий назар хаммага бир хил жазо

кўрилади. Бу Расулulloх саллаллоҳу алайхи вассалом бевосита амал килган ва бошқалардан хам шуни талаб этган ягона одил йўлдир. Куйидаги хадиси шариф очик ва равshan бир шаклда буни бизга таълим беради: "Аллоҳ таолонинг пок номи билан касам ичиб айтаманки, ўгрилик килган Мухаммаднинг кизи Фотима бўлса хам, унинг кўлини кесардим". (Бухорий).

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи вассалом даврида бир ўгрилик холати бўлиб, бир яхудий билан бир мусулмондан шубха килинган, мусулмоннинг баъзи кариндошлари бир катор далиллар келтириш йўли билан шубхани ундан узоклаштириб, айни яхудийнинг бўйнига кўйишга уринадилар. Асл ўгри мусулмон бўлгани холда хатто Расулulloх саллаллоҳу алайхи вассалом хам айбиз деб ишониб ўгрининг тарафини олган эдилар. Шу холатда хакикий хоинларни эълон килган, яхудийнинг айбиз эканини билдиран, Ислом пайгамбарига танбех берган ва хакни карор топтирган илохий вахий келди. У илохий вахий ва амр шу эди: "Албатта, Биз сизга ушбу хак Китобни (Куръонни) одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан хукм этишингиз учун нозил килдик. Сиз хоинларни химоя килгувчи бўлманг. Аллоҳдан магфират килишни сўранг! Албатта, Аллоҳ магфират килгувчи ва меҳрибон бўлган зотдир. Сиз ўзларига хиёнат киладиган (жинояткор) кимсаларнинг ёнини олманг! Албатта, Аллоҳ хоин ва жиноятчи бўлган кимсаларни севмайди. Улар (ўзларининг жиноятларини) одамлардан яшира оладилар, аммо Аллоҳдан яшира олмайдилар. У Ўзи рози бўлмайдиган гапларнинг режасини хуфиёна тузётган пайтларида хам улар билан бирга бўлур. Аллоҳ уларнинг килаётган амалларини ихота килгувчи бўлган зотдир. Хой сизлар, бу дунёда-ку, уларни ёнини олдингиз. Энди киёмат кунида ким уларни Аллоҳдан химоя килиб ёнларини олур ёки ким уларнинг устида вакил бўлиб тураг?" (Нисо сураси - 105-109).

Хак йўлдан адашган ва аслини йўкотган яхудийлик бир яхудийнинг бошка бир яхудийга фоизга карз беришини харом яхудий бўлмаганга беришни халол хисоблайди. Бу мунофиона фикр "Тасния"да куйидагича ўз ифодасини топган: "Бир биродарингга пул, озик-овкат ёхуд фоизга бериш мумкин бўлган хар кандай бир нарсани фоизга, карзга берма, бегоналарга фоизга карз беришинг мумкин. Аммо ўз биродарингга асло..." (23-19).

Яхудийларнинг бунга ўхшаш баъзи ходисаларни Куръони Карим бизга ибрат сифатида билдиради. Масалан: уларнинг ўз динларидан ва миллатларидан бўлмаган инсонларга карши алдов ва хиёнатга рухсат берганлари ва бу ишда хеч кандай шубха ва гуноҳ кўрмасликлари сингари. Бу хусусда Куръони Каримда очик ва равshan оятлар мавжуд: "Ахли китоб орасида шундай кишилар борки, унга бехисоб молни омонат кўйсангиз хиёнат килмай сизга кайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, то устида туриб олмагунингизча сизга кайтариб бермайди. Бунинг боиси - уларнинг "омий-китобсиз кимсалар учун бизнинг устимизга хеч кандай йўл йўқ", дейишларидир. Улар билиб туриб Аллоҳ хакида ёлгон сўзларни сўзлайдилар" (Ол-и Имрон сураси-79).

Ха, улар Аллоҳ таолонинг юксак шаънига ёлгон сўзламоқдалар. Чунки Унинг шариати хеч бир миллатни бошка миллатдан айирмайди. Аллоҳ таоло бутун пайгамбарларнинг тили билан алдов ва хиёнатнинг хамма учун харом бўлганлигини очик билдиргандир. Бизни кайгуга солган нарса бу гоятда ибтидоий ва хатто хайвоний бўлган туйгунинг Бани Исроиллар томонидан самовий бир динга нисбат берилишидир. Чунки бутун инсонлар томонидан тўгри ва гўзал ўларок кабул этилган юксак ахлок бирорвга халол килинган нарсани бошкага харом килмаган ва бу тарика хаммага бир хилда тегишли бўлган аклокдир. Ибтидоий инсонлар билан бизнинг орамиздаги фарқ ахлокий

доиранинг бор ёки йўклиги эмас балки бу доиранинг кенгайишидир. Масалан: бу хол бир кабиланинг аъзолари орасида бўлсагина шундай хисобланади. Агар кабила доирасидан чикилса хиёнат жоиз ё мустахаб хаттоки вожиб бўлади.

"Маданиятнинг хикояси" (1-жилд, 95-саҳифа) китобининг муаллифи ўз китобида шундай ёзади: "Деярли бутун башарий жамиятлар бошка жамиятларнинг ўзларидан бир даража паст эканлигига ишонадилар ва бу хусусда масалан: махаллий америкаликлар ўзларини бутун инсониятга ўрнак сифатида "олий рух" томонидан яратилган бир миллат деб хисоблайдилар ва бунга каттик ишонадилар. Хиндуларнинг бир кабиласи эса ўзларидан бошка инсонларнинг йўклиги фикрини олга сурадилар. Бошка бир кабила ўзларини "инсонлар ичидағи инсонлар" номи билан айтадилар. Крибиёнлар эса "факат биз инсонмиз" дейдилар... Бутун бу холатлардан келиб чикиб айта оламизки, ибтидоий инсонлар бошка миллат аъзоларини ўз кабила аъзолари билан тенгликка кўра оладиган ахлокий коидаларга эга эмаслар. Улар очикдан "ахлокнинг вазифаси ўз аъзолари орасидаги bogларни янада мустахкамлаш ва ўз жамиятларини бошка жамиятлар каршисида соглом тутишдан иборатдир" деган иддаони байрок килиб олганлар. Шунга кўра ахлокий коидалар ва халол харом хусусидаги хукмлар факат ўз кабила аъзолари орасида татбик килиниши мумкин. Бошка кабилалар ва миллатлар токи уларнинг меҳмони бўлмас эканлар, бу ахлокий коидалардан фойдалана олмайдилар. Шу туфайли улар учун бегоналар билан истаганларида мумомала килиш ихтиёрийдир".

## ЗАРУРАТЛАР ХАЗАРЛИ ИШЛАРНИ МУБОХ КИЛИШИ МУМКИН

Ислом харомларнинг доирасини торайтиргандир. Аммо харом хусусида катъий ва шиддатли коидаларни сабит килган ёхуд очик харомга бошлаган йўлларни ёпиб кўйгандир: Юкорида сўз юритганимиз каби харомга бошлаган йўлларни ёпиб кўйгандир: Юкорида суз юритганимиз каби харомга ёрдам этган хар нарса харом, харомни халол килиб олишлик учун хийла ишлатиш харом ва хакозо... Шу билан бирга, Ислом дини хаётнинг заруратларидан ва инсонларнинг бу заруратлар каршисидаги ожизлигидан хам гофил колган эмас. Зеро, у заруратни ва инсоний ожизликларни эътибордан сокит килмаган холда зарурат бўлиб колганда мусулмонларнинг ўзини куткариб колиши учун баъзи бир харом ишларни килиши ва бунинг мубоҳ бўлганлигини эълон килгандир.

Шунинг учун Аллоҳ таолога ширк келтириш, кон ва тўнгиз гўшти каби баъзи нарсаларнинг харом эканлигини эслатилганидан кейин куйидагича марҳамат килади:

**"Энди кимки золим ва хаддан ошмаган холида noctor вазиятда колса гунохкор бўлмайди. Албатта, Аллоҳ магфират килгувчи, раҳмдиллир "**. (Бакара сураси-173).

Бу холат Куръони Каримнинг яна тўрт сурасида ифода этилган. Ислом хукукчилари шу ва шунга ўхшаш оятлардан гоятда мухим бўлган бир хукм чикарганлар, "заруратлар маҳзур ишларни мубоҳ килади".

Аммо бу зарурат каршисида колган инсон бошка инсонларга тажовуз килмаган бўлишлиги шарт. Бу хукмларни узил-кесил билдирган оятларнинг тафсирларида бир инсон орзу килгани лаззатларда хаддан ошмаслиги зарурат чегараси доирасида харакат килиши лозимлиги таъкидланмокда. Факихлар шу жойдан яна бир мухим хукм

чикарғанлар: "Заруратлар ўз даражасига кўра белгиланади. "Инсонлар бу заруратларга риоя килса хам, уларга тамоман таслим бўлмаслиги. ўзини олдириб кўймаслиги керак. Аксинча, халолга интилиши, унинг аслини топишга харакат килиши ўзи учун кўпроқ яхшидир. Шунга харакат килган киши зарурат баҳонаси билан харомни эътибордан сокит килмайди ва доимо ундан хазар килади. Ислом заруратлар каршисида маҳзурларни мубоҳ килар экан, ўз умумий рухини асл коидаларини назарда туттган холда хукм чикаргандир. Бу рух хар кандай кийинчиликлар устида голиб кулайлик руҳдир. Ўзидан аввал келган умматларга жуда оғир юқ бўлган зўрликларни енгиллатиш руҳидир. Аллоҳ таоло марҳамат килганидек:

"Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди" (Бакара сураси-185).

"Аллоҳ сизларга машаккат килмокни истамайди, балки сизларни поклашни ва шукр килишларингиз учун сизларга берган неъматини комил килиб беришни истайди" (Моида сураси-6).

"Аллоҳ сизлардан (юкингизни) енгиллатишни истайди. (Зотан), инсон ожиз килиб яратилгандир" (Нисо сураси-28).

## ТАЪРИФЛАР!

**ХАЛОЛ:** Аллоҳ томонидан килинишига ижозат берилган ва ундан манъ холати бўлмаган мубоҳдир

**ХАРОМ:** Аллоҳ томонидан катъий амр билан килиниши манъ бўлган нарсаларки; бу нахийга карши келган дунёда шарий жазоларга, охиратда эса азобга лойик бўлур.

**МАКРУХ:** Аллоҳ томонидан манъ килинган, лекин бу нахийдан катъийлик бўлмаган нарсалар. Бу харомдан бир даражага пастроқдир. Макрухни килгандарга харомни килгандарнинг жазоси берилмайди. Лекин, макрухни килишда бардавом бўлишлик ва унга ахамият бермаслик инсонни харомларни килишликка журъат килишга олиб келади.

**Шайх Юсуф Каразовийнинг "Исломда халол ва харом" китоби асосида Абу Муслим тайёрлади**